

УЎК: 331.52

ҚИШЛОҚ ЁШЛАРИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИНГ САМАРАЛИ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИШСИЗЛИКНИ КАМАЙТИРИШГА ТАЪСИРИ

Хомитов Комилжон Зоитович

и.ф.д., доцент, Тошкент молия институтини

Турсунов Мансур Бекпулатович

мустақил тадқиқотчи, Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация. Ушбу мақолада қишлоқ ёшларини иш билан таъминлашнинг самарали иқтисодий механизмлари ва уларнинг ишсизликни камайтиришга таъсири тадқиқ этилган. Шунингдек, самарали иқтисодий механизмларни қўллаш асосида қишлоқ ёшларини иш билан таъминлашнинг замонавий турлари ва воситаларини ривожлантириши, ишсиз ёшларни касбга йўналтириши, тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамияти очиқ берилган.

Таянч тушунчалар: қишлоқ ёшлари, иш билан таъминлаш, самарали иқтисодий механизмлар, ишсизлик, бандлик, барқарор иқтисодий ривожланиш, реал даромад, меҳнат ресурслари, инвестиция, тадбиркорлик.

ЭФФЕКТИВНЫЕ ЭКОНОМИЧЕСКИЕ МЕХАНИЗМЫ ТРУДОУСТРОЙСТВА СЕЛЬСКОЙ МОЛОДЕЖИ И ИХ ВЛИЯНИЕ НА СНИЖЕНИЕ БЕЗРАБОТИЦЫ

Хомитов Комилжон Зоитович

д.э.н., доцент, Ташкентский финансовый институт

Турсунов Мансур Бекпулатович

исследователь, Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В данной статье исследованы эффективные экономические механизмы трудоустройства сельской молодежи и их влияние на снижение безработицы. Кроме этого, раскрыта важная социально-экономическая значимость развития современных видов и средств трудоустройства сельской молодежи, а также профессиональной направленности, подготовки и переподготовки безработной молодежи на основе применения эффективных экономических механизмов.

Ключевые слова: сельская молодежь, трудоустройство, эффективные экономические механизмы, безработица, занятость, устойчивое экономическое развитие, реальный доход, трудовые ресурсы, инвестиция, предпринимательство.

EFFECTIVE ECONOMIC MECHANISMS FOR ENSURING EMPLOYMENT OF RURAL YOUTH AND THEIR EFFECT ON REDUCING UNEMPLOYMENT

Homitov Komiljon Zoitovich

Doctor of Economic Sciences, Tashkent Institute of Finance

Tursunov Mansur Bekpulatovich

researcher, Tashkent State University of Economics

Annotation. The article explores effective economic mechanisms for employing rural youth and their impact on reducing unemployment. In addition, the socio-economic importance of the development of modern types and means of employment the rural youth, the professional orientation, training and retraining of unemployed youth based on the application of effective economic mechanisms, training and retraining of unemployed youth has been revealed.

Key words: rural youth, employment, effective economic mechanisms, unemployment, employment, stable economic development, real income, labor resources, investments, entrepreneurship.

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Меҳнат бозорида глобаллашув оқибатлари келтириб чиқараётган муаммоларни тадқиқ этиш, уларни ҳал этиш йўлларини аниқлаш, меҳнат бозорини тартибга солиш ва самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ишсизлик кўрсаткичларининг юқори даражада сақланиб қолаётганлиги кўпчилик мамлакатларда ижтимоий-иқтисодий беқарорликни келтириб чиқарувчи омилга айланмоқда. Айниқса ёшлар ўртасида мазкур кўрсаткичнинг юқори эканлиги айрим давлатларда нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки сиёсий вазиятнинг ҳам кескинлашувига олиб келмоқда. Халқаро ташкилотларнинг маълумотларига кўра, дунёда ишсизлар сони 2016 йил – 197,7 млн, 2018 йил – 203,8 млн кишини ташкил этди [1]. 2019 йилда ишсизлар сони ўтган йилга нисбатан 2,8 млн кишига ортиши прогноз қилинмоқда. Бундай шароитда иш билан таъминлашнинг иқтисодий механизмларини қўллаш асосида мамлакатлар меҳнат бозорини тартибга солишнинг аҳамияти тобора ортиб боради.

Барқарор иқтисодий тараққиётга эришишда аҳолини иш билан таъминлаш муҳим омил ҳисобланади. Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодий шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар бугунги кунда ўз натижасини бермоқда. Жумладан, қисқа вақт ичида жаҳон ҳамжамиятига иқтисодий интеграциялашувнинг кўчайиши, узоқ ва яқин қўшни давлатлар билан ўзаро манфаатли ташқи иқтисодий савдо муносабатларининг ривожланиши, аҳоли даромадларининг ўсиши, аҳолининг иш билан бандлигининг ошиши, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ислоҳ қилишдаги ҳаракатлар, қишлоқ жойларида бизнес ва тадбиркорлик муҳитини ривожлантириш асосида янги иш ўринларининг яратилиши, иш билан таъминлашнинг турли шакллари ривожланиши ва бошқа ютуқларга эришилди. Кўрилган чора-тадбирлар туфайли, аҳолининг реал умумий даромадлари 2017 йилга нисбатан 12 фоизга ошди. «Ҳар бир оила – тадбиркор»,

«Ёшлар – келажакимиз» каби дастурлар доирасида 2 триллион сўмга яқин маблағ ажратилиб, жойларда 2 минг 600 дан ортиқ бизнес лойиҳалари амалга оширилди [2].

Шу билан бирга, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари» деб номланган 4-қисми 4.1 бандида яқин беш йилда аҳолининг иш билан бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш, бунинг учун эса: «... янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори мутаносиблиги ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш» амалга оширилиши муҳим ҳисобланган устувор йўналиш сифатида белгиланган бўлиб, бундай мақсадларга эришиш учун «...меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, ишчи кучи сифатини яхшилаш, ишга муҳтож шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш» [3] каби вазибаларни ҳал этиш кўзда тутилади.

Ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга мазкур масалаларни бозор тамойиллари асосида ҳал этиш бўйича илмий асосланган тавсиялар ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш зарурияти ушбу мавзудаги муаммонинг долзарблигидан дарак беради.

Тадқиқотнинг мақсади туб иқтисодий ислохотларни амалга ошириш негизида қишлоқ ёшларини иш билан бандлигини таъминлашнинг самарали иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш асосида ёшлар ишсизлигини камайтириш бўйича илмий асосланган хулоса ва амалий тавсияномалар ишлаб чиқишдан иборат.

Илмий-тадқиқотнинг методологик асослари ва усуллари

Илмий-амалий тадқиқотнинг методологик асослари Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг маълумотномалари ва бошқа тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади.

Тадқиқотда тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил, макроиқтисодий таҳлил, гуруҳлаш, эксперимент, декомпозиция, адаптив усуллар, инновацион ва интеграцион ёндашувлар, ёшлар ишсизлигини камайтириш бўйича халқаро тажрибалар таҳлили ва апробациясидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Бугунги кунда республика қишлоқ ҳудудларида аҳолининг, айниқса, ёшларнинг (16-30 ёшдагилар) иш билан бандлигини таъминлашда амалий ечимини кутаётган қатор муаммолар мавжуд.

Қишлоқ аҳолиси меҳнат ресурслари таркибида ёшлар улуши юқори эканлиги қишлоқ ёшларининг иқтисодий фаоллик ва иш билан бандлик даражасининг пастлиги, қишлоқ жойларида ташкил этилган иш ўринларининг асосий қисми қисқа муддатли ва мавсумий характерга эгаллиги, иш билан банд бўлган ёш аҳолининг салмоқли қисми иш ҳақи паст бўлган соҳаларда, норасмий секторда ва барқарор бўлмаган иш жойларида банд этилганлиги, хориждан инвестицияларни жалб этиш бўйича фаол ҳаракатнинг сустлиги, қайта ишлаш, ижтимоий инфратузилма ва касаначилик соҳасида иш ўринларини кўпайтириш имкониятларининг тўлиқ ишга солинмаётганлиги, меҳнат бозоридаги фаол сиёсатни молиялаштириш ва хусусий бандлик агентликлари фаолиятининг суст ривожланаётганлиги ҳамда ташқи ва ички меҳнат миграциялари яхши ташкил этилмаганлиги ва бунинг натижасида қишлоқ ёшларининг яқин қўшни давлатлар, асосан, Россия ва Қозоғистонга ишлаш учун чиқиб кетиш ҳолларининг тобора кўпаяётганлигида кузатилади. Бу эса меҳнатга лаёқатли аҳоли, айниқса, ёшларни иш билан таъминланиш даражаси ҳолатида ўз аксини топади.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотларига кўра, Ўзбекистонда ишсизлик даражаси 2019 йилнинг I чорагида 9,4 фоизни ташкил этган (ўтган йилнинг шу даврида –

9,7%). Қайд этилишича, бу кўрсаткич 2018 йилнинг январь-декабрига (9,3 фоиз) нисбатан 0,1 фоизга кўп, бироқ 2018 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 0,3 фоизга пастроқ. Энг юқори ишсизлик даражаси 9,7 фоиз билан Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида қайд этилган бўлса, энг паст кўрсаткич Тошкент шаҳрида (8,0 фоиз) аниқланди. Республика бўйича ишга муҳтож аҳоли сони 1391,1 минг кишини ташкил этди. Ишсизлик даражаси 30 ёшгача бўлган ёшлар орасида 15,3 фоиз, шундан 15-25 ёшлилар ўртасида 17,1 фоиз кўрсаткичга эга [4].

Шу жиҳатдан, Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги босқичида ёшларни иш билан таъминлаш муаммоси алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу кўп жиҳатдан Ўзбекистон аҳолисининг таркибига кўра ёшлар мамлакатни қаторига кириши билан изоҳланади. Республика аҳолисининг ўртача ёши бугунги кунда 25,6 ёш ҳисобланиб, республикамиз бўйича ёшларнинг (16 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар) жами аҳоли таркибидаги улуши 2018 йилда 27% ни ташкил этди [4].

Қишлоқ меҳнат бозори (ҚМБ)да муваффақият қозониш қишлоқ ёшларининг жамият ҳаётида фаол иштирок этиши ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсирини белгилаб берувчи асосий омидир. Шу билан бир қаторда, қишлоқ ёшлари меҳнат муносабатларига киришар экан, бир қатор жиддий муаммоларга дуч келиши аниқ. Етарлича касбий кўникмалар, ишлаб чиқариш ва ҳаёт тажрибаси, малака етишмаслиги шулар жумласидан [5].

Ўзбекистонда ҳар йили кўплаб янги иш ўринлари яратилаётганлигига қарамай, меҳнат ресурслари миқдори муттасил ўсиб бораётганлиги, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва бошқа омиллар меҳнат бозорида ишчи кучи таклифи унга талабдан юқори бўлишига олиб келмоқда. Айниқса, касб-ҳунар коллежлари ва олийгоҳларни тугатаётган йигит-қизларни ўз ихтисосликлари бўйича иш билан таъминлашда жиддий муаммолар келиб чиқмоқда.

Республикамиз қишлоқ жойларида ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан етарли даражада ҳимоя қилинмаган қишлоқ ёшлари орасида ишсизлар сони кўпчилиқни ташкил

этади. Бундай ҳолат қишлоқ ёшлари ўртасида ишсизликни камайтиришга таъсир этувчи ҚМБда ёшларни иш билан таъминлашнинг самарали иқтисодий механизмларини ишлаб чиқишни талаб қилмоқда.

Қишлоқ жойларида ёшларни иш билан таъминлашнинг самарали иқтисодий механизмлари қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади (жадвал).

Юқорида келтирилган ёшларни иш билан таъминлашга ишсизликни камайтиришга таъсир қилувчи мавжуд воситалар ҚМБни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмини кенг даражада акс эттиради. Иш билан бандликни ташкил этиш муаммосидаги асосий жиҳат – меҳнат турини танлаш ихтиёрийлиги, кам вақт талаб этиши ва дурустгина иш ҳақи олиш имконини берадиган қилишдир. Ҳозир кунда бозор воситалари тўлиқ ишла-

шига эришилмаган экан, давлатнинг муқобил тартибларни ривожлантиришга кўмак беришини кучайтириш зарур.

Ёшларни иш билан таъминлашнинг **ноанъанавий шакллари**га оилавий тадбиркорлик, якка тартибдаги тадбиркорлик, касаначилик, иш билан бандликнинг замонавий шакллари, хизмат кўрсатиш ва қорамолчилик каби фаолият турлари киради.

Қишлоқ жойларида ёшларни иш билан таъминлаш муаммоларини ечиш бўйича давлат иқтисодий сиёсатининг ҳамма **ҳудудий устуворликларини** жиддий қайта кўриб чиқиш зарур.

Биринчи навбатда, ер муносабатлари истиқболлари, мулкчилик ва хўжалик юртиш шакллари, иқтисодий муносабатлар, бошқариш тизими ва бошқа элементлар билан бир қаторда тўлақонли бўғин сифатида ушбу

Жадвал

Қишлоқ жойларида ёшларни иш билан таъминлашнинг самарали иқтисодий механизмлари*

<p>Қишлоқ ёшларини иш билан таъминлашнинг самарали иқтисодий механизмлари</p>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш. 2. Қишлоқ ҳудудларида ёшлар учун бўш иш ўринлари ярмаркаларини ташкил этиш. 3. Қишлоқ ёшларини касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантириш. 4. Қишлоқ ёшларини касбга йўналтириш, улар учун жамоат, мавсумий ва вақтинчалик ишларни ташкил этиш. 5. Қишлоқ ёшларини касбга йўналтириш ва психологик қўллаб-қувватлаш бўйича тадбирларни амалга ошириш. 6. Қишлоқ ҳудудларида янги иш ўринларини яратиш. 7. Қишлоқ ёшлари учун янги иш ўринлари яратиш, мавжудларини сақлаб қолиш. 8. Янги иш ўринлари яратган корхоналарга солиқ ва кредитлар бўйича имтиёзлар беришни такомиллаштириш. 9. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва қайта ишлаш саноатининг асосий маҳсулотларини экспорт қилишни қўллаб-қувватлаш. 10. Кичик бизнесни ва ўз-ўзини иш билан бандлигини рағбатлантириш. 11. Қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш бўйича мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш. 12. Ёшларнинг меҳнат миграциясини легаллаштириш тизимини такомиллаштириш. 13. Ёшлар ўртасида ишсизлик давомийлигини қисқартириш.
-------------------------------------------------------------------------------	---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------


*Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

муаммони қишлоқларнинг ҳудудий ривожланиш концепцияси ва истиқболлаштириш тизимига киритишни талаб қилади.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги, саноат ва бошқа тармоқларни ишлаб чиқариш ҳажми, даромадлар бошқа кўрсаткичлар билан боғлиқ ҳудудий-мақсадли ва тармоқ дастурлари ҳамда мамлакат ҳукумати томонидан тайёрланаётган бюджет режаси ва истиқболдаги стратегик дастурларга ёшлар бандлигини таъминлашнинг

ҳудудий мақсадли кўрсаткичларини киритишни ҳисобга олиш зарур. Бунда қишлоқ ёшларини иш билан таъминлашнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ташкилий механизмларининг усуллари ва воситалари ўзгаради.

Қишлоқ ёшларини иш билан таъминлашда ишчи кучига бўлган эҳтиёжни кучайтириш ва ишчи кучи самарали тақлифини қўллаб-қувватлашга кўмаклашишда **иқтисодий механизмлар** асосий восита ҳисобланади (расм).



Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган*

Расм. Қишлоқ жойларида ёшларни иш билан таъминлашнинг самарали ташкилий-иқтисодий механизмлари*

Қишлоқ жойларида аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлашнинг самарали иқтисодий механизмлари элементларининг ўзаро муносабатларини ўрганиш нафақат мантиқий-функционал, балки, энг муҳими, мазкур механизмнинг асосий хусусиятларини тўлиқ очишни таъминлайди [6].

Худудий даражада уни ривожланишининг асосий иқтисодий-ижтимоий параметрларининг мувофиқлиги, хусусан, иш билан бандлик сиёсати ва ҚМБнинг мақсадлари ҳамда устувор йўналишлари мувофиқлиги узвий боғлиқ ҳолда амалга оширилиши керак.

Қишлоқда ёшлар бандлиги сиёсатининг устувор йўналишлари, мақсадлари билан қишлоқ хўжалиги, саноат ва бошқа тармоқларда молия-кредит, таркибий, инвестицион ва ташқи иқтисодий сиёсатнинг мувофиқликлари назарда тутилади. Ушбу блокка, биринчи навбатда, маҳсулотлар сотиш ва сотиб олишнинг иқтисодий масалалари ва озиқ-овқат соҳасидаги интервенциялар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг даромадларини қўллаб-қувватлаш механизми ва озиқ-овқат импортини тартибга солиш киради.

Ишчи кучига талаб ва таклифни тартибга солиш иқтисодий механизми бу вазифаларни қисқа ёки ўрта муддатли режалаштиришнинг элементига мос равишда тактик маънога эга. Тактик вазифалар стратегик мақсадлар доирасида амалга оширилади.

Кўп ҳолларда бир вазифа бошқаларига боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга ошмайди. Шу билан бирга, меҳнат бозорини тартибга солиш механизми ўзгариб бораётган ижтимоий-иқтисодий шароитларга мослашиши, тартибга солишнинг аниқ усуллари танлаш, меҳнат бозори конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда олдиндан мўлжалланган масалалар ечилишида устуворликни таъминлашдан иборат.

Қишлоқ ёшларини иш билан таъминлашнинг самарали иқтисодий механизми ўзининг хусусиятларига кўра ишчи кучига талаб ва таклифни шакллантирувчи элементлар мажмуасидан иборат бўлиб, у ёш қишлоқ ишчи кучига талаб ва таклиф нисбатларига муайян

таъсир кўрсатувчи, уни мазмунан тўлдирувчи иқтисодий шакллар ва омиларни ўз ичига оловчи элементлар мужмуасидир.

Қишлоқ жойларида ёшлар ишчи кучига талабни ошириш, яъни янги иш ўринлари яратишнинг иқтисодий механизми қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш орқали тартибга солинади:

– **инвестицион фаолликни рағбатлантириш.** Имтиёзли кредитлаш тизимидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича рағбатлантиришни амалга ошириш; иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантиришга йўналтирилган кредитлар фоиз ставкасини оптимал ўрнатиш ва кредитлаш бўйича маъмурий тўсиқларни бартараф этиш; касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг реал бизнес лойиҳаларини имтиёзли кредитлаш тизимини янада такомиллаштириш; капитал қўйилмалар манбаси сифатида амортизация сиёсатни ўтказиш родини ошириш; амортизация ажратмалардан инвестицион йўналишда тўлиқ фойдаланишни таъминлаш; хорижий капитал ва аҳоли жамғармаларини инвестицион соҳага жалб қилиш имкониятларини рағбатлантириш;

– **фаол таркибий сиёсат ва иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини таъминлаш.** Ёшларни иш билан таъминлаш жараёнларини такомиллаштириш талабларини ҳисобга олган ҳолда техник-иқтисодий ривожланишнинг узоқ муддатли истиқболларини ишлаб чиқиш; давлат кафолатларидан фойдаланган ҳолда иқтисодиётнинг устувор йўналишлари доирасида лойиҳаларни имтиёзли кредитлаш; иқтисодий жиҳатдан ёшлар учун нуфузли иш ўринларини яратишга кўмаклашувчи инвестицион ва илмий-техникавий давлат дастурларини амалга оширишни фаоллаштириш; рақобатбардошлигини ошириш имкониятига эга молия-саноат гуруҳларида фан сиғими юқори технологиялар асосида инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш; йирик молия-ишлаб чиқариш тузилмаларида молиявий капитални таъминлаш бўйича интеграция яратиш;

– **ялпи талабни рағбатлантириш.** Кор-

хоналар томонидан айланма маблағларнинг йўқотилиши ва ишлаб чиқариш қувватининг паст даражаси шароитида давлат буюртмаларини фаоллаштириш асосида ҳам ишлаб чиқарувчилар, ҳам истеъмолчиларни ҳимоялаш бўйича миллий маҳсулотларга ялпи талабни рағбатлантириш; истеъмолчилар талабини рағбатлантириш учун меҳнат баҳоси, яъни реал иш ҳақи миқдорини ошириш зарур. Бунга ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш ҳамда ялпи даромадни тақсимлаш жараёнида меҳнатга ҳақ тўлаш улуши ортиши асосида эришиш мумкин. Моддий ишлаб чиқариш соҳасида ишловчилар меҳнат ҳақи билан бюджет соҳасида ишловчиларнинг тариф сеткалари ўртасида мувофиқликни таъминлаш орқали турли тармоқ ишчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг миқдорий фарқини қисқартириш эвазига меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, даромадларнинг тақсимланиши бўйича аҳоли ўртасида табақаланишни қисқартириш лозим.

– **ҳудудий сиёсатни такомиллаштириш.** Қайта тақсимлаш жараёнларини оптималлаштириш ва ўз-ўзини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш йўли билан дотацияга тушган ҳудудларни қисқартириш, ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ҳолатини тенглаштириш ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш даркор.

Шунингдек, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш учун, биринчи навбатда, мазкур жараёни тартибга солувчи, меҳнат бозорининг ёшлар сегментидаги агентларнинг иқтисодий хатти-ҳаракатини ўзгартириш имконини берадиган янги институционал муҳит яратиш зарур.

Таъкидлаш лозимки, агентларнинг ҚМБдаги, шу жумладан, унинг ёшлар сегментидаги хатти-ҳаракатини тартибга солувчи замонавий институтлар ҳозирги вақтда жуда самарасиз амал қилмоқда. Айнан шунинг учун қишлоқ ёшлари, юқорида таъкидланганидек, аҳолининг меҳнат бозори энг кўп камситилган гуруҳларидан бири ҳисобланади. Бу ишсиз ёшларнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида ҚМБ субъектлари (иш берувчилар

ва ходимлар)нинг хатти-ҳаракатига ялпи таъсир кўрсатиш имконини берувчи янги институционал муҳитни шакллантириш вазифасини долзарб қилиб қўяди [7].

Қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш ва уларнинг рақобатбардошлигини ошириш жараёнини тадқиқ этиш натижалари шуни кўрсатдики, мазкур жараёнга таъсир кўрсатишда ёшларнинг рақобатбардошлигини шакллантириш жараёнига таъсир кўрсатувчи субъектларнинг катта қисми тўпланган ҳудудий даражаси ўта муҳим роль ўйнайди. Ҳозирги вақтда ушбу субъектлар бажараётган функцияларни таҳлил қилиш қишлоқ ёшларининг рақобатбардошлигини шакллантириш жараёнини тартибга солишда бой берилган имкониятлар (потенциал функциялар)ни аниқлаш имконини беради.

Бизнинг назаримизда, ҳудуд доирасида қишлоқ ёшларининг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини оширишга таъсир кўрсатувчи субъектларнинг асосий функциялари юқорида санаб ўтилган ташкилий тузилма ваколатларини ривожлантириш учун истиқболли йўналиш ҳисобланади. Қишлоқ ёшларининг рақобатбардошлигини ошириш жараёнида потенциал функцияларнинг амалга оширилиши ҳудуд доирасида ушбу жараённинг яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатиши лозим. Қишлоқ ёшларининг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш жараёнида бой берилган (потенциал) функцияларни жорий этиш ва амалга ошириш учун ўта таъсирли иқтисодий усулларни қўллаш зарур.

Иқтисодий усулларни қўллашда инвестициялар ҳаракатга келтирилади, солиққа тортиш ва кредитлаш тизимининг мослашувчанлигидан, иш ҳақи (бюджет соҳаси ходимлари учун), нафақалар ва бошқа моддий неъматлардан фойдаланилади.

Хулоса ва таклифлар

Ўтказилган илмий-амалий тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулоса ва тавсияномалар олинди:

Ишсиз ёшларнинг рақобатбардошлигини ошириш учун уларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган ишчи касблар (мутахассисли-

клар)га ўқитиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш тавсия этилади:

1. Меҳнат бозорида ҳудудлар бўйича жорий, яқин, ўрта ва узоқ истиқболдаги эҳтиёж юқори бўлган ишчи касблар (мутахассисликлар)ни аниқлаш. Бунда қуйидагиларни ҳисобга олиш тақлиф этилади:

- мавжуд хўжалик юритувчи субъектлардаги бўш (бўшайдиган) иш ўринлари;
- ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида ишга тушириладиган лойиҳаларда яратиладиган иш ўринлари;
- миллий ҳунармандчилик бўйича «Уста-шоғирд» анъанаси асосида ўқитиш йўналишлари ва ҳажми;
- ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг чет элик иш берувчилар билан тузилган шартномаларига мувофиқ талаб этиладиган мутахассислик (ишчи касб)лар;
- норасмий сектор ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидаги мутахассис (касб)ларга бўлган талаб.

2. Ишсиз ёшларни касб-ҳунарга ўқитиш бўйича қисқа муддатли ўқув курслари сони ва сифатини ошириш мақсадида нодавлат таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш ҳамда уларни бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштиришни кенгайтириш. Бунга қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш орқали эришиш мумкин:

- меҳнат бозорида талаб юқори бўлган, замонавий техника ва технологиялар, ўқув дастурлари асосида ўқитиш имконияти ҳамда бошқа зарур шарт-шароитларга эга бўлган нодавлат таълим муассасалари билан ўзаро натижага йўналтирилган иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш;
- бандликка кўмаклашиш туман (шаҳар) марказлари томонидан мазкур таълим муассасаларида мавжуд таълим йўналишлари, муддатлари, ихтисосликлар ва иқтисодий имкониятлар тўғрисидаги маълумотларни ишсиз ёшларнинг кенг оммасига етказиш бўйича чоралар кўриш;

– бандликка кўмаклашиш туман (шаҳар) марказлари йўлланмаси асосида юборилган ишсиз ёшларни касб-ҳунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун кетган харажатларни Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштиришни кенгайтириш.

3. Ички ва ташқи меҳнат бозоридаги эҳтиёж таҳлили ҳамда ҳудуд хусусиятини инобатга олган ҳолда касб-ҳунар коллежлари база-сида ишсиз ёшларни касб-ҳунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича курсларни ўз ичига олган замонавий марказларни ташкил этиш ва уларнинг иқтисодий имкониятларини мустаҳкамлаш зарур.

Таълим хизмати кўрсатиш ва касбга йўналтириш фаолиятини амалга оширувчи таълим муассасаларига грантлар ажратиш ҳам ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини оширишга ёрдам беради.

Муаллиф фикрига кўра, бандликка кўмаклашиш туман (шаҳар) марказларида рўйхатдан ўтган ишсиз ёшларни касбга қайта ўқитишга сарфланадиган харажатларни молиялаштириш учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан таълим муассасаларига грантлар ажратиш мақсадга мувофиқ.

Таълим муассасаларига грантларни қуйидаги мақсадларда амалга ошириш тавсия этилади:

- бандликка кўмаклашиш марказларида рўйхатдан ўтган ишсиз ёшларни касбга қайта ўқитиш;
- умумий ўрта таълим муассасалари ёхуд касб-ҳунар таълими муассасаларида таълим олаётган ёшларни шахсий хусусияти ва қизиқишлари, касбий қобилияти ва мойиллигини баҳолаш, уларнинг касб-ҳунарга бўлган хоҳиши ва меҳнат йўналишларини аниқлаш, меҳнат бозоридаги талаб юқори бўлган касбларни танлашда кўмаклашиш ва касб-ҳунарга тўғри йўналтириш бўйича амалий тадбирларни ташкил этиш ва таълим муассасаларини жиҳозлаш;

– ҳудудларда ишсиз ёшларга тадбиркорлик кўникмаларини сингдириш мақсадида ўқув курслари, семинар-тренинг ва мастер-классларни ташкил этиш ва ўтказиш;

– меҳнат бозорида вазият мураккаб бўлган ҳудудларда ишсизларни меҳнат бозорида эҳтиёж юқори бўлган касб-ҳунарга тайёрлаш ёки қайта тайёрлаш орқали иш билан бандлигини таъминлаш каби ижтимоий фойдали мақсадларга эришишга қаратилган лойиҳаларини амалга ошириш.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида келти-

рилган қишлоқ ёшларини иш билан таъминлашнинг самарали иқтисодий механизмлари, тавсия ва таклифларнинг ҳаётда татбиқ этилиши ҚМБдаги вазиятни бирмунча барқарорлаштириш, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш даражаси ошиши, ишсизликни камайтириш, ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муносиб шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш ҳамда ташаббусларини рағбатлантиришга сезиларли таъсир этади.

Манба ва адабиётлар

1. *World Employment and Social Outlook Trends 2017 (WESO)*. P.6. Электронманба. // www.ilo.org
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. / «Тошкент оқишони» 2018 йил, 29 декабрь. № 250 (13.847).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги ПФ-4947-сон фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари. <https://kun.uz/13784540>.
5. Холмўминов Ш.Р., Хомитов К.З., Арабов Н.У., Бобаназарова Ж.Х., Ирматова И.Б. *Меҳнат бозорининг самарали ривожланиши истиқболлари (монография)*. – Тошкент: «Fan va texnologiya», 2017. – 128 бет.
6. Холмўминов Ш.Р. *Қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланишини моделлаштириш* // Дис. и.ф.д. – Тошкент: 1998. – 60 б.
7. Зикрияев З.М. *Меҳнат бозорида ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари*. / «Иқтисодий ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнал. ТДИУ, Тошкент: 2018 йил, № 4.

Тақризчи:

Беркинов Б., и.ф.д., проф., Тошкент давлат иқтисодий университети